


ТОШКЕНТ



ОҚШОМ

ШАҲАР
ИЖТИМОЙ-
СИВСИЙ
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 101 (9.445) 2000 йил 25 август, жума Сотувда эркин нархда



МУСТАҚИЛЛИК - БУЮК НЕЪМАТ

● Бадриддин НУРИДДИНОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими:
— Мустақиллик эълон қилинганда бутун вужудимни ажиб бир илқлик эгаллади. Ўзим севган ҳайдовчилик касбимга иштиёқим янада ортиб, энди ўз она юртим раванқи йўлида меҳнат қилаётганимдан беҳад фахрландим.

Бунинг натижаси эса бир неча йилда ўз нишонини берди. Юқаск унвон — Президентимиз Фармонига кўра 1995 йилда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими» шарафли номини олдим. Фахр билан айта оламанки саодатли кунларимиз Истиқлол йилларида бошланди. Ўзбекистон бугун нафақат пахтаси билан, балки «Нексия», «Дамас», «Тико» русумли автомобиллари, «Отайл» автобуслари билан жаҳонга машҳур бўлиб бормоқда.

Ифтихор этса арзирли Ватаним, буюк аждодлари бор халқим борлигидан бугун фахрланиб яшашимизнинг ўзи Мустақиллик берган буюк неъматдир.

● Рустамбек МУРОДОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими:
— Мустақилликка эришган юртимиз хом ашё етказиб беришчи мамлакатдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи иқтисодиёти ривожланган давлатга айланди. Бу ерда тайёрланган, «Ўзбекистонда тайёрланган» тамғаси босилган маҳсулот жаҳон бозори-

га ўзининг залворли одими билан кириб бормоқда. Бу мени бир ишчи, юртини севувчи инсон сифатида гурулантиради.

Сидқидилдан меҳнат қилган одам қадр-лаиштини ўз иш фаолиятим давомида Мустақиллик йилларида янаям тереңроқ англаб етдим. Шу боис ҳам ўтиш даврининг озгина кийинчиларидан эсанкирамай изланиш, интилиш, тadbиркорлик билан эл-юрт раванқиға хисса қўшмоғимиз лозим. Чунки овоз ва обод юрда бизнинг авлодларимиз яшайди. Ўзлгимиз қайтган бугунги кунда аждодларимиз билан биз қанчалик фахрлансак, болаларимиз ҳам биздан фахрлансин, ибрат олсин.

● Зулайхо МАҲКАМОВА, курувчи:
— Ватанимдаги энг катта ўзгаришларни улкан бунёдкорлик ишларида кўриб, дилим яйрайди. Ҳақиқатан ҳам кўз кўрса қувнай-диган, қалблар фаҳрга тўладиган гузал масканга айланди Ўзбекистон. Чунки Ватанимизни яшатиш, уни ҳам кўркам, ҳам жаҳон андозалари даражасидаги иншооту йўллар, кўприклар, турар жой бинолари билан обод этиш ўз қўлимизда. Мустақиллик бизга ана шундай ҳуқуқ, юрт меҳри, Ватанга садоқат деган туйғу, қўн-қудрат берди. Мен ҳар доим ўз касбим билан фахрланиб, Ўзбекистони, айниқса пойтахтимиз Тошкентни жаҳонга кўз-кўз қўладиган гузаллиғиға хисса қўшаётганимдан гурурланиб меҳнат қиламан. Бебаҳо Мустақиллигимиз абадий бўлсин.



ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ФАРМОЙИШИ

Россия Федерациясининг «Курск» атом сув ости кемаси экипажининг фожиали равишда ҳалок бўлганлиги муносабати билан ва уларнинг оилаларига ва ота-оналарига — Ўзбекистон Республикаси фуқароларига моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчилари ҳалок бўлган тақдирда уларнинг оила аъзоларига пул компенсацияси тўлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари қондалари Россия Федерациясининг «Курск» атом сув ости кемаси экипажининг ҳалок бўлган аъзоларининг оила аъзоларига ва ота-оналарига — Ўзбекистон Республикаси фуқароларига татбиқ этилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири «Курск» атом сув ости кемаси экипажининг ҳалок бўлган аъзолари: капитан-лейтенант Рашид Раминович Аряповнинг оиласига ва мишман Сергей Анатольевич Ричковнинг ота-онасига Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик бўлими малаканинг тегишли лавозими ва ҳарбий унвони бўйича ҳар бир оилага ойлик пул маошининг 50 баравари миқдорда бир йўла бериладиган нафақа тўласин.
3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик мудофаа вазириликка бир йўла бериладиган нафақани тўлаш учун зарур маблағ ажратсин.
4. Самарқанд вилояти ҳокими Э.Рўзиев ва Тошкент шаҳри ҳокими К.Тўлаганов «Курск» атом сув ости кемаси экипажи аъзоларининг оиласига ва ота-оналарига зарур амалий ёрдам кўрсатсинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2000 йил 24 август.

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАБЛАҲЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРААР

Мамлакатимизда

- ◆ 24 август кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги элчихонасига ташриф буюриб, Ўзбекистон ҳукумати ва халқи номидан «Курск» атом сув ости кемасида ҳалок бўлганларнинг яқинларига, Россия ҳукумати ва халқи мамийи хамдарлик изҳор этди. Кепада ҳалок бўлганлар орасида Ўзбекистонда туғилиб ўсган реактор бўлими бошлиғи, капитан-лейтенант Р.П.Аряпов ҳамда мишман С.А.Ричковлар бор эди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси томонидан Р.П.Аряповнинг ота-онаси ва укаси, С.А.Ричковнинг эса онаси ва синглисига Москвага етиб олишлари учун самолётга bepул билет берилди. Шунингдек, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан республикаимизда туғилиб ўсган, ҳалок бўлганлар орасидаги икки ватандошимизнинг оиласига моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисида ҳам фармойиш қабул қилинди. (Вазирлар Маҳкамасининг ушбу фармойиши газетамизнинг бугунги сонида эълон қилинмоқда).
- ◆ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг 2000 йил биринчи ярим йиллигидаги фаолиятлари таҳлил қилинди.
- ◆ Вазирлар Маҳкамаси «2000 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.
- ◆ Ўзбекистондан чет элга олиб кетилган ва халқ бойлиғи бўлган архив ҳужжатларини қайтариб олиб келиш бўйича Олий Мажлис ҳузуридаги махсус комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди.
- ◆ «Тошкент почтамити» ҳиссадорлик жамияти қорхонасида мамлакатимиз жанубидаги воқеалар муносабати билан йиғилиши бўлиб ўтди.
- ◆ ФМДП «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан Ўзбекистон Миллий Университетида республикаимизнинг барча вилоятларида келган ёшлар иштирокида «Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!» мавзuida форум бўлиб ўтди.
- ◆ Бугун Собир Раҳимов туманидаги «Янги Тошкент» маҳалласида энг улуг, энг азиз байрагимизга бағишланган тadbир бўлиб ўтди.
- ◆ Абдор Хидоятлов номидаги Ёшлар театрида республикаимиз театр санъати намояндларининг Сурхондарё вилоятининг Узун ва Сароисий туманларидаги воқеаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Жаҳонда

- ◆ **Кеча** Россия Ички ишлар вазири Владимир Рушайло бошлиқ делегация аъзолари Душанбега келишди. Бу ерда улар Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон билан учрашиб терроризм ҳамда ноқонуний равишда наркотик моддалар ва қурол-ярқоқ келтиришга қарши кураш масаласида суҳбатлашдилар.
- ◆ Белоруснинг юқори вазирлими давлат хизматчилари 1 сентябрдан эътиборан маошдан маҳрум бўлиб қолиши мумкин. Мамлакат Президенти Александр Лукашенконинг таъкидлашича меҳнатқиллар сентябрда маошини олмас, давлат хизматчиларининг ойликлари қарзларни қоплашга ишлатилади.
- ◆ Хиндистон Парламенти кимёвий қурол ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланишни таъқиқлаш тўғрисидаги қонунни маъқуллади.
- ◆ Покистон ижро ҳокимияти раҳбари Парвез Муншарраф билан бу мамлакатта ташриф буюрган Япония Бош вазири Иисиро Мори ўртасида учрашуво бўлиб ўтди. Унда икки томонлама алоқалар, жанубий Осиёдаги вазият, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.
- ◆ **Кеча** Киевда Мустақилликнинг 9 йиллиғи муносабати билан ҳарбий парад ўтказилди.
- ◆ Очарчилик туйғали Африка қитъасининг шарқий қисмида 20 миллион киши ҳаётдан кўз юмиши мумкин. БМТнинг Озёк-оқват ва қишлоқ хўжалик ташкилоти маълумотиға кўра апрелдан буюн уларнинг сони 3 миллионга кўпайган. Бунга минтақадаги давомли қургоқчилик ва турли қонли тўқнашувлар сабаб бўлган.
- ◆ Қозғистонда мактаб ёшидаги болалар учун «ОИТС ва ўсимир» деб номланган махсус дарслик ташкил этилди.
- ◆ **Кеча** жангарилар отряди Ингушетия орқали Грузиядан Чеченистонга бостириб киришга уриниб кўрди.
- ◆ 2002 йил Корея ва Японияда ўтказиладиган футбол бўйича жаҳон чемпионатининг Осиё қитъаси саралаш учрашувлари тақвими маълум бўлди. Қитъамиздаги дастлабки ўйинлар шу йилнинг 24 ноябрда Эронда ўтказилади.

ВАТАН ЯҒОНА, ВАТАН МУҚАДДАС!

Ватан ягона. Ватан муқаддас. Ҳар биримиз учун нондек, жондек азиз бу юрт, шу табарруқ тупроқни топмақчи бўлганлар ҳеч қачон ниятиға ета олмайди. Чунки бу кўёшли дёрнинг Алломи келбатли йиғитлари, фидойи фарзандлари бор.

Касби захар солмоқдан иборат бўлган илон, ҳаммаша ниш урмоқ пайида бўлган чаёнинг боши ҳар қачон ячилган. Ёвузлик ниятида дёримизға қадам қўймоқчи бўлган мурадларнинг ҳам ўша газандардан мутлақо фарқи йўқ...

Бугун Ватанимизнинг жанубий сарҳадларида рўй бераётган воқеалар юртимиздаги барча фуқаролар қатори тошкентликларни ҳам лоқайд қолдирмаётган-

лигининг боиси ана шунда. Бугун халқнинг диққат-эътибори телевидение, радио ва матбуот хабарларига қаратилаётганининг асоси ҳам ана шунда.

Кунин кеча Қуролли Кучларимизнинг Олий Бош Қўмондони Ислам Каримов ҳам жангчиларимиз сафида бўлди. Улар билан дилдан суҳбатлашди. Элсавар Юртбошимизнинг жангчиларға оталарча ғамхўрлигидан ҳаммамиз тўлқинланиб, руҳланиб кетдик. Ватан тақдирини ишончли қўлларда эканлиғиға яна бир қарра тан бердик. Ҳарбийларимиз Ватан туйғуси, юрт қадрини яна бир бор чуқурроқ англаб етишдик.

Газандаларининг кунин битиши аниқ. Ўғлонларимиз қаҳр-ғазабидан энди ҳеч қандай ёвуз террорчи қочиб

қутуллолмайди. Уларнинг тоғу тошларда жонини ховучлаб юрган қолган-қутганлари ҳам жангчиларимиз ўқиға учиб, қашиқларға ем бўлади. Давлати қудратли, Юртбошимиз доно бўлган халқни ҳеч қим, ҳеч қачон онға олмайди. Бу исботини топган ҳақиқат.

Бугун тахриратимиз почтасиға турли касб эгалари бўлган ҳамшаҳарларимиздан қўллаб мақтуллар, ёвға қарата қаҳр-ғазаб ифодалари акс этган хатлар келиб турибди. Бу битикларининг асосий мазмунини «Шу азиз Ватан барчамизники», «Ҳар биримиз шу муқаддас Ватани химоя қилишға, газандаларининг адабини беришға тайёрмиз» деган туйғу ва ниятлар ифода этади.

кутулолмайди. Уларнинг тоғу тошларда жонини ховучлаб юрган қолган-қутганлари ҳам жангчиларимиз ўқиға учиб, қашиқларға ем бўлади. Давлати қудратли, Юртбошимиз доно бўлган халқни ҳеч қим, ҳеч қачон онға олмайди. Бу исботини топган ҳақиқат.

Бугун тахриратимиз почтасиға турли касб эгалари бўлган ҳамшаҳарларимиздан қўллаб мақтуллар, ёвға қарата қаҳр-ғазаб ифодалари акс этган хатлар келиб турибди. Бу битикларининг асосий мазмунини «Шу азиз Ватан барчамизники», «Ҳар биримиз шу муқаддас Ватани химоя қилишға, газандаларининг адабини беришға тайёрмиз» деган туйғу ва ниятлар ифода этади.

ОНАЛАР СЎЗИ

Сурхондарё вилоятининг Сариев ва Узун туманлариға сукулиб кириб, Мустақил Ватанимиз тинчлиғиға раҳна солмоқчи бўлган бир гуруҳ қора ниятли террорчиларнинг хатти-ҳаракати, шуи ниятлари, уларға қарши курашда асл ўғлонларимиздан бир нечтасининг ҳалок бўлганлиғи пайтахтимизда истикомат қилаётган оналаримиз, хотин-қизларимизда қаҳр-ғазаб туйғуларини уйғотиб, қалбларини ларзага солди.

Ана шу боис ҳам бир гуруҳ оналар — туманлар хотин-қизлари кўмиталарининг раислари, маҳалла хотин-қизлар кенгашларининг раислари, фаол аёллар, кекса оналар кунин кеча шаҳримизнинг Собир Раҳимов туманидаги «Университет» маҳалласи гу-

зарига йиғилишиб нопок, ёвуз ниятли террорчиларға, бахтимизға кўз олайтириб, жондан азиз фарзандларимизнинг қони тўкилишиға сабаб бўлган номдорларға нафратларини қалбдан отилиб чиқайтган сузлар билан изҳор этишди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими уринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Фадила Абдурахимова олиб борди. Йиғилганларнинг барчаси аввало шавқ кетган, Ватан сарҳадларини қўрқалашда жонини фидо этган йиғилганларнинг оналарига таъзия билдиришиб, уларға сабр-тоқат тилдилар. Айниқса, таниқли журналист Раҳима Шомансурованин бугун фарзанди дардида ёнган оналарига қарата айтган дил сузлари йиғилганлар қалбини ларзага солди.

Оналар бир-бирларини кўришиб ва оғоҳликка даъват этиб ўз сузларини айтишди.

Чилонзор туманидан Турсуной Искандарова, Юнусобод тумани-

дан Машҳура Исмоилова, митрополит Валентина Мясникова, Чилонзор туманидан Раънохон Қодир қизи, А. Иброҳимов туманидан Муҳаммад Шомирзаева, Шайхонтоҳур туманидан Саодат Тўрабекова сингари онахонларимизнинг сузларидан ҳам душманларға нафрат, фарзандларимиз тарбиясида маъзулият сезилиб турди. Оналаримиз дилларидаги нафратларини тўқиб солиш билан бирга оналик бурни, фарзанд тарбиясидаги оғоҳлик, ҳушёрликни асло бўшаштирмаслик, бепарволик ва лоқайдликка йўл қўймайлик ҳақида ҳам тўхтадилар.

Йиғилиш сўнгида шу ерга йиғилган онахонларнинг дил сузлари мамлакатимиз барча аёлларига даъват бўлиб янгради. Барчани оғоҳлик майдонларида бирлашишга чақирди. Ҳа, оналаримиз қалби оққа турди. Душманининг ер билан яқсон бўлиши аниқ.

Шарифа ИЛЕСОВА.

БОР БЎЛИНГ, ШУНҚОРЛАРИМ

Мен онаман. Битта болани авайлаб катта қилгунча онаизор қанчалик заҳмат чекишини яхши биламан. Биз табииятнинг буюк неъматини бўлиб яралган инсон — оналар учун фарзанд нақадар азиз ва лазимлигини тил билан ифода этиб бўладими.

Ер юзидидаги барча оналар ҳаммаша фарзанддан завол кўрмаса, тинч бўлса, соғ-саломат улғайса, катта бўлиб эл қорига яраса деган ниятда бўлади. Бугун она Ватанимиз сарҳадларига бостириб кирмоқчи бўлган душманға қарши оналар қаҳр-ғазабининг кечисизлиғи ҳам ана шундан. На иложки мусаффо осмон, зилол сув, муқаддас тупроғимизға ёвуз ниятли шумқадимлар кўз тиккан экан, уларға қарши барча қатори фарзандларимизни чорлашға мажбуримиз. Чунки душманға мустаҳкам қалқон керак.

Бугун ўғлонларимиз жасоратини кўриб барча оналар қатори мен ҳам «Бор бўлинг, шунқорларим. Биз оналар сизға берган оқ сўтимизға мингдан минг розимиз» дегим келади.

Раҳима СОДИҚОВА, Юнусобод тумани.

АХБОРОТ

Ваколатли органларнинг маълумотларига кўра, сўнги ҳафта мубайнида Ўзбекистон ҳудудиға Тожикистоннинг Ленинобод вилояти ҳудудидан 15 кишидан иборат босқинчилар гуруҳи суқилиб кирган.

Босқинчилар Тожикистоннинг Ашт тумани, Науатгор довоини ва Чотқол тизмаси этаклари орқали Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудларига кириб келган, деб тахмин қилинмоқда. Босқинчилар Ўзбекистоннинг Бўстонлиқ туманидан чегара ҳудудида кузату олиб бораётган чегарачилар гуруҳиға қуролли ҳужум уюштирган. 2 нафар чегарачи ҳалок бўлган, 3 нафар чегарачи беларқ айқолган.

Босқинчилар гуруҳини эздилик билан аниқлаш, қуриш олиш ва йўқ қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий тузилмалари ва маҳаллий ҳокимият органлари вакилларидан иборат штаб тузилди.

Босқинчилар жойлашини мумкин бўлган ҳудуд мустаҳкам қуришға олинди, асосий транспорт йўлларида, аҳоли пунктларига кириш ва чиқиш жойларида постлар ташкил қилинди.

Фаол тезкор-қидирув тadbирлари ўтказилмоқда. Қўшимча хавфсизлик чоралари кўриломоқда. (УЗА).

ЎЗ УЙИМИЗНИ ЎЗИМИЗ АСРАЙЛИК

Пойтахтимизнинг «Янгиобод» маҳалла гузарига «Адабиёт ва дин — тинчлик ва барқарорлик хизматида» мавзuida ўтказилган давра суҳбатига адиблар, уламолар, санъаткорлар ва бир гуруҳ маҳалла оқсоқоллари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этиб, давримизнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда адабиёт, санъат ва дин ахлларининг вазифаси нималардан иборат экани борасида фикрлашдилар.

Тadbирни Тошкент шаҳар ҳокимининг уринбосари Рихситилла Ақромов олиб борди. Унда шу азиз Ватан барчамизники эканлиғи таъкидланиб, юртимиз ҳудудиға сукулиб киришға уринаётган қонқўр террорчиларнинг гараз ниятлари борасида ҳам тўхталиб ўтиб, уларнинг қилмишлари на ислом арқонларига, на давлат қонунларига мувофиқ эмаслиғи айтиб ўтилди.

Куйида айрим тadbир катташчиларининг фикрлари билан танишасиз.

Хуршид ДУСТМУХАМЕДОВ, «Хуррият» газетасининг бош муҳаррири, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати:
— Халқимизнинг вужуд-вужудида диний қадриятлар, адабиёт ва санъат сингиб кетган. Зеро, исломнинг ҳам, адабиётнинг ҳам энг катта вазифаси инсон қалбини улғайтишға хизмат қилишдир. Энг муҳими, уларнинг барчаси бир-бирини инкор этмаган ҳолда тўлдирди.

Анвар қори ТУРСУНОВ, Тошкент шаҳар бош имом хатибни:
— Ҳозирги кунда террорчилар, турли экстремистик диний оқимлар динни ҳам, адабиётни ҳам, буюк алломаларимиз Навоий, Бобур, Лутфийларни билмайдилар ва билишчи ҳам ҳокимлайдилар. Биз имомлар адабиёт ахллар билан ҳамкорликда қанчалик фаол бўлсак, қора гуруҳлар ҳам шунчалик қамаяди. Биз жаҳолатға қарши маърифат билан курашиш лозимлигини асло унутмаслиғимиз керак.

Давра суҳбати давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи уринбосари Ш.Озғир Мунавваров, Ўзбекистон халқ артисти, Ҳамза театрининг директори Екуб Аҳмедов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг уринбосари Абдуразақ қори Юнусов, «Езувчи» газетасининг бош муҳаррири Мурод Абдуллаев, «Оқшом» газеталирининг бош муҳаррири Акмал Ақромов, Мирзо Улугбек туманидаги Охунбобоев номи маҳалла оқсоқоли Ҳожиакбар Азимов ва бошқалар ҳам дин ва баъдий адабиётнинг юртимиз барқарорлиғи ва турли таҳдидларға қарши курашдаги амалий аҳамияти, ёшларға Мустақилликнинг моҳияти, унинг қадрини англаш тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиридилар.

Бу каби халқимизни атрофда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларға тереңроқ назар билан қарашға даъват этувчи учрашувлар пайтахтимиз туманларида, маҳаллаларида кенг жамоатчилик иштирокида бўлиб ўтмоқда. Чунинчи, Сирғали, Чилонзор туманларида ўтказилган йиғилиш, «В.Чкалов номи Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат акциядорлик жамиятининг тиббий-санитария қисмида ўтказилган тadbир, Шайхонтоҳур туманидаги М. Уйғур номи маҳалла ахли, Олий таълим вазирлиғида олий ўқув юрталари ректорлари билан, Дўмбироқобод, Гулистон, Мирзо Улугбек, Катортөл, Бўстон маҳаллаларида ўтказилган учрашувларда бугунги куннинг долзарб муаммоси — оғоҳлик, барқарорлик омилини юзасидан фикр алмашилди. Сузға чиққан маҳаллалар, жамоатчилик вакиллари тинчлик энг олий неъмат эканлиғи, турли хил таъвозулардан, тинчлигимизни кўролмаётган бугунги кунлардан ҳаммажамлашда ўз уйимизни ўзимиз асрайимиз лозимлиғиға асосий эътибор қаратишди. Ватанимизни ҳеч қандай ёвуз кўз озоқлик ва мустақиллик йўлидан қайтара олмаслиғи, халқимиз муқаддас заманимизни химоя қилишға қодир эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ.

Давра суҳбати давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи уринбосари Ш.Озғир Мунавваров, Ўзбекистон халқ артисти, Ҳамза театрининг директори Екуб Аҳмедов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг уринбосари Абдуразақ қори Юнусов, «Езувчи» газетасининг бош муҳаррири Мурод Абдуллаев, «Оқшом» газеталирининг бош муҳаррири Акмал Ақромов, Мирзо Улугбек туманидаги Охунбобоев номи маҳалла оқсоқоли Ҳожиакбар Азимов ва бошқалар ҳам дин ва баъдий адабиётнинг юртимиз барқарорлиғи ва турли таҳдидларға қарши курашдаги амалий аҳамияти, ёшларға Мустақилликнинг моҳияти, унинг қадрини англаш тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиридилар.

Бу каби халқимизни атрофда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларға тереңроқ назар билан қарашға даъват этувчи учрашувлар пайтахтимиз туманларида, маҳаллаларида кенг жамоатчилик иштирокида бўлиб ўтмоқда. Чунинчи, Сирғали, Чилонзор туманларида ўтказилган йиғилиш, «В.Чкалов номи Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат акциядорлик жамиятининг тиббий-санитария қисмида ўтказилган тadbир, Шайхонтоҳур туманидаги М. Уйғур номи маҳалла ахли, Олий таълим вазирлиғида олий ўқув юрталари ректорлари билан, Дўмбироқобод, Гулистон, Мирзо Улугбек, Катортөл, Бўстон маҳаллаларида ўтказилган учрашувларда бугунги куннинг долзарб муаммоси — оғоҳлик, барқарорлик омилини юзасидан фикр алмашилди. Сузға чиққан маҳаллалар, жамоатчилик вакиллари тинчлик энг олий неъмат эканлиғи, турли хил таъвозулардан, тинчлигимизни кўролмаётган бугунги кунлардан ҳаммажамлашда ўз уйимизни ўзимиз асрайимиз лозимлиғиға асосий эътибор қаратишди. Ватанимизни ҳеч қандай ёвуз кўз озоқлик ва мустақиллик йўлидан қайтара олмаслиғи, халқимиз муқаддас заманимизни химоя қилишға қодир эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ.

(Охири. Боши газетанинг 92,95,98-сонларида)

Маҳол дев ҳам истикбол айлаб, бир кеча тўхтатиб зиёфатлар айлади. Икки тарафдин инъомлар бир-бирларига бериб, яна йўлга тушдилар. Муқранс девни пардасига етдилар. Ифрисшоҳни саркардасидан бўлган сипоҳсолар, пешвоз чиқиб бир яхши жойга туширди. Бир нумани азбаройи хабар бериш учун Ифрисшоҳга жўнайди. Узи хизмат айлаб турди. Ул нома етиши билан Ифрисшоҳ ҳам тажаммул бирлан Хотамни хузурга етиб келди. Кўп шодмон бўлдилар. Алқисса, бул ерда уч кун туриб, йўлга тушдилар. Ифрисшоҳни мақомида кўп осойиш топиб, машкаратлар айлаб, Ифрисшоҳ ҳам сафар тараддудини амода айлаб, шаҳзода Мунир бирлан Хусниябонунни тўйига Хуснободга азт айламак бўлдилар. Хотам бул икки парилар шоҳига арз айладилар, энди бундан бўёги одамзод пардасидур, бинобарин сизлар ҳам одамзод кифасига кирсангизлар яхши бўлур эрди. Хар икки шох бажонудил қабул айлаб, бир кечада Хуснобод калъасини атрофига келиб тушдилар. Бул кеча ўтди, эрта билан кузатувчилар маликага хабар бердиларки, бул кеча ҳадсиз лашкар келиб шаҳарни қамабдурлар. Хамма хайратда эрди. Ул томондин Хотам ёлғиз ўзи шаҳарга кириб, саройга бориб шаҳзода Мунирни кўрди. Малика хабар топиб дояни юборди. Доя келиб маликани номидан ҳол-аҳвол сўраб, дедиким, бул лашкардин хабарингиз борму? — деб сўради. Бир кечада пайдо бўлдилар. Хотам дедиким, бул лашкарларни хаммалари менинг биродарларимдур, кўрманглар деди. Доя хотиржам бўлиб, таклиф айлаб кетди. Хотам бирлан шаҳзода Мунир малика меҳмонхонасига бориб, ул байза бирлан аҳволати сафарномани маликага ҳада деб доядин киргузди. Малика ул ўзигади дурни бир ерга қўйиб кўрди. Иккаласи ҳамранг ва хамсанг (бирхил оғирликда)лиги баробардур. Малика Хотамнинг ҳимматига аҳсон ва офаринлар ўқиб, сарулолар чиқарди. Келган меҳмон лашкарга дастурхон, фаровон пешкашлар гуногун таомлар жўнади. Доя Хотамни олдига парвонадек айлаиб турар эрди. Хотам дояга дедиким, эй она энди маликани саволларининг шарти тамом бўлди, яна хизмат бўлса фармойиш этгайлар ва агар адо бўлган бўлса ўзининг тараддудига тушилса деб, маликага пайғом (хат) киритди. Малика хайрон бўлди, дояга айтдики, эй онайи меҳрибоним, бунча ўйинлар хаммаси кад-

худо бўлмасликга (эрга тегмаслик) баҳона эрди. Мен муштипар қазою-қадарнинг ўйинларидин беҳабар эркаммен, иш бу ерга етди, нечук жавоб беруримиз деб, таоммул айларга тушди. Доя дедиким эй маликам, азалда оллоҳ-таолло хаммани жуфт яратандур, ҳар заифга шаҳвар ва ҳар эркакга заифни муносиб кўриб, лавҳалмахфузда битилгандин сўнгра банддин рози бўлмақдин ўзга чора йўқдур. Ихтиёри Гардоншоҳга беринг, ул кишининг нечук роиши бўлса андоқ бўлин деб, йўл кўрсатди. Малика хам ризолик берди. Доя чиқиб Хотамга фармон етқурди. Хотам ҳам шўк бўлиб Ифрисшоҳ ва Меҳроваршоҳни олдларига бориб, Гардоншоҳ олдига бормак тараддудини айлаб ҳада ва со-

лар ва парилар аралаш муборакбодлар айладилар. Хусния бонунинг шабистонига шаҳзода Мунирни олиб кириб хамвисол етдилар. Ул икки толиби висоллар бир-бирларидин баҳраманд бўлиб, қомиб ва комкор бўлдилар. Бу янглиғ неча кунлар ўтиб, тараддудини Яман сарига айладилар. Хотамни Яманга олиб бориб, маликаий Зарринқуш бирлан висол айлаб, андин кейин ўзга жойларда бўлдилар. Хусния бону хам тараддулар айлаб, маофайи заррин нигорга ўлтириб, деву парилар ва одамийлар аралаш неча муддатларда Яман хузуди каламравига қадам қўйдилар. Шоҳи Тайит бу хабарни эшитиб, неча кунлик ерга истикбол айлаб, ота-бола топишиб, арзи ҳоллар айлашиб, бир яхши жойга меҳмонларни тушириб зиёфат айларга турдилар. Малика Хусния бону маликаий Зарринқушни қўшига бориб тушди. Алқисса, шоҳи Тайит хам неча кунлар тўй-тамошолар бериб, савид (яхши) соатларда маликаий Зарринқушни Хотамга аҳд айладилар. Бул икки толиби висоллар хам висолга етишиб, бир-бирларидин қомиб ва комкор бўлдилар. Бу манволда неча кунлар ўтди. Шоҳ парилар Хотамдин жавоб олиб видолашиб ўз пардаларига равона бўлдилар. Шаҳзода Мунир бирлан малика Хусния бону жавоб олиб Хуснободга қайтдилар. Умрлари борича бир йил Хоразмда, бир йил Хуснободда ватан тутилдилар. Хотамга мундин сўнгра сайру саёҳат айларга ҳожат бўлмади. Боз умри борича Яманда туриб, бечора ва мискин кишиларга инъом ва эҳсонлар айлаб олишдан ўтди. Яхши оти то даври қўймагача қолди дебдурлар.

Дошиманлар хазинасидан
ХОТАМНИНГ
ЕТТИНЧИ САФАРИ

вғалар бирлан шаҳарга равона бўлдилар. Ифрисшоҳ вазирини қўшди. Меҳроваршоҳ хам вазирини ҳамроҳ айлади. Буларнинг келишларидан Гардоншоҳ хабар топиб, Хотамни олдига пешвоз чиқиб шаҳарга олиб кирди ва ўрдасига олиб бориб кўпдан-кўп меҳрибонликлар айлаб зиёфат айлади. Баъдаз адоий таом фотиҳадин сўнгра Хотам дедиким, эй шоҳи давлат паноҳ, арз мақомида ниёзмандлик изхори шўлким, шаҳзода Мунир Хоразмнинг фарзанд айласалар, маликаий Хусния бонунинг анга лойиқ кўрсалар зихн саодатлари бўлғай деди. Гардоншоҳ бул сўзини эшитиб зиёда хўррам бўлди, чароки аввал қиссийи Хотамни, этти саволини эшитган эрди. Тўй тараддудини қилиб Хуснобод йўлига тушдилар. Гардоншоҳ аввал бориб шохпарилар бирлан кўришиб, пешкашларни алар назаридан ўтказиб, шаҳарга кириб маликани кўриб, неча кунлар тўй-тамошолар бўлди. Одамийларга одамийна, париларга парийна муносиб қоруборлар айлаб, то яхши соатда Хусния бонунинг шаҳзода Мунирга аҳд айладилар. Одамий-

лар ва парилар аралаш муборакбодлар айладилар. Хусния бонунинг шабистонига шаҳзода Мунирни олиб кириб хамвисол етдилар. Ул икки толиби висоллар бир-бирларидин баҳраманд бўлиб, қомиб ва комкор бўлдилар. Бу янглиғ неча кунлар ўтиб, тараддудини Яман сарига айладилар. Хотамни Яманга олиб бориб, маликаий Зарринқуш бирлан висол айлаб, андин кейин ўзга жойларда бўлдилар. Хусния бону хам тараддулар айлаб, маофайи заррин нигорга ўлтириб, деву парилар ва одамийлар аралаш неча муддатларда Яман хузуди каламравига қадам қўйдилар. Шоҳи Тайит бу хабарни эшитиб, неча кунлик ерга истикбол айлаб, ота-бола топишиб, арзи ҳоллар айлашиб, бир яхши жойга меҳмонларни тушириб зиёфат айларга турдилар. Малика Хусния бону маликаий Зарринқушни қўшига бориб тушди. Алқисса, шоҳи Тайит хам неча кунлар тўй-тамошолар бериб, савид (яхши) соатларда маликаий Зарринқушни Хотамга аҳд айладилар. Бул икки толиби висоллар хам висолга етишиб, бир-бирларидин қомиб ва комкор бўлдилар. Бу манволда неча кунлар ўтди. Шоҳ парилар Хотамдин жавоб олиб видолашиб ўз пардаларига равона бўлдилар. Шаҳзода Мунир бирлан малика Хусния бону жавоб олиб Хуснободга қайтдилар. Умрлари борича бир йил Хоразмда, бир йил Хуснободда ватан тутилдилар. Хотамга мундин сўнгра сайру саёҳат айларга ҳожат бўлмади. Боз умри борича Яманда туриб, бечора ва мискин кишиларга инъом ва эҳсонлар айлаб олишдан ўтди. Яхши оти то даври қўймагача қолди дебдурлар.

Мафрий қолмағайки, Хотам жуҳудлар гуруҳидин эрди. Таврот шарифда пайғамбари охир замоннинг сифатларини, яъни пайғамбаримизни васфларини ўқиб, ғойибона иймон келтирган эрди. Хар вақт бир мушкул ёхуд жодуга асир бўлса, астахтидил пайғамбаримизни шафъ айлаб, хар муҳим иш бўлса саранком топар эрди. Шул сабабдин оти ўчмасдур дебдурлар. Валлоҳи аълам биссаов, таммат ал-китоб бизан ал-мулк-Вахҳоб.

Харки қонад дуо таъма дорам,
Зи онки ман бандийи гунаҳкорам.
Котибидур қалима Абдуғафур,
Барча элга илоҳ қил машхур,
Омин ва раббн ул оламин.

Тургун ФАЙЗИЕВ
тайёрлаган.

Хотира уйғонса гўзалдур...

КРАСНИЦКИЙ —
АСРИМИЗНИНГ ЭНГ
КУЧЛИ ФУТБОЛЧИСИ

Яқинда иккита ашаддий «Пахтакор» мухлиси суҳбатини эшитиб қолдим. — Эсимни танибманки, «Пахтакор» ишқибозиман. Унинг шаклланишию нурилу мавсумлари кўз ўнгимда кечди. Ҳозир унинг таркибиде Красницкий каби шиддатли ва сермахсул тўпурарлар етишмаяпти-да, — деди улардан бири.



— Ҳа, ҳақиқатан ҳам ўзининг барча дарвозабонлар хайқадиган кучли зарбаларию шшин тезлигидаги аниқ ҳужумлари билан Красницкий хамманинг озгига тушган эди, — деди иккинчи мухлис...

Дарҳақиқат, Ўзбекистон футбол тарихида Геннадий Красницкийнинг номи алоҳида ўрин тутди. Унинг катта футболдаги ҳаётига назар ташлар эканмиз бунинг яққол шохиди бўлишимиз мумкин. Зеро, 13 ёшида «Пишчевик» жамоасида мураббий Геннадий Ермаков қўл остида футбол сирларини ўргана бошлаган Красницкий ордан тўрт йил ўтгач Қирғизистон пойтахтида ўтказилган Урта Осиё ва Козогистон республикаларининг аънавий спартакиадада Ўзбекистон катталар терма жамоасида катнашиб, ун етти ёшда бўлишига қарамай ўз маҳорати билан барча мутахассисларни лолу хайрон қолдиради. Унинг тўртта йўнда киритган тўрт тўп терма жамоамизнинг спартакиадада иккинчи ўринни эгаллашига замин яратганди. 1958 йили «Пахтакор» таркибига қабул қилинган Красницкий худди ёш Эдуард Стрельцов каби биринчи мавсумданок жамоанинг энг сермахсул ҳужумчилари қаторидан ўрин олади. Команда 1960 йили олий лигага йўлланма олгач эса биринчи мавсумдаёқ 29 ўйинда 19 та тўп киришиб чемпионатнинг энг сермахсул тўпураридан атиги битта гол ортада қолади. Шу тариқа Красницкий номи бетимсол кучли зарбаси орқали афсоналарга чулганган холда бутун мамлакат узра тарқалади. Кейинги мавсумда эса 24 ўйинда 21 та тўп киритган Красницкий терма жамоа таркибидан ҳам ўрин олади.

Албатта, ўзбек футболнинг ёрқин юлдузи бўлмиш Красницкий яратганининг ато этган ноёб иктидоридан ташқари у майдонда жуда кўп меҳнат қилар, ўз устида кўп ишларди. Бинобарин, у нафақат дарвозабонларни дахшатга соладиган даражада кучли зарбалар устаси эди, балки бурама зарбалар техникисини хам қўйиллатиб ўлаштирган ва ўйинда улардан ўринли фойдаланарди. Шунинг таъкидлаб ўтиш ўринлики, ўз фаолияти давомида ҳар қандай вазиятлардан 1242 та гол киритган бразилиялик футбол қироли Пеленинг хам битта армони бўлиб, у бутун ҳаёти давомида майдон марказидан туриб гол ури орузида бўлган. Бундай мураккаб ва бетакрор голни 1966 йил 25 ноябрда Тошкентда «Спартак» (Москва) билан ўтказилган ўйинда Красницкий марказидан белгиланган жарима тўлини бамосилол замбаракдан отилган ўқ сингари аниқ ва кучли баҳарган холда киритиб машхур дарвозабон Маслаченкони доғда қолдиришга хам муваффақ бўлган.

1963 йили Перу пойтахти Лимада «Кристалл» билан бўлган ўйинда Красницкий тўпган жарима тўпи зарбанинг кучлилигидан тўрни тешиб ўтган, футболчилар ўйиндан сўнгра майдондан уни қўллариде кўтариб чиққандилар. Машхур футбол шарҳловчиси Владимир Перетурининг Красницкий тўрисида қўйидаги фикрлари эса унинг нақадар юксак маҳорат ва катта обрўга эга бўлганини яна бир қарра исботлайди: — Красницкий унинг ўйини кўриб, бетакрор маҳоратидан баҳраманд бўлиш учун ишқибозлар стадионга тушадиган футболчи бўлиб, унинг ҳар бир муваффақиятли алдов ҳаракатлари мўҳкама мавзусига айланар. «Қақшатлик» зарбалари тўрисидаги афсоналар эса тилдан тилга кўчарди. Унинг кўнгина ажойиб голларини футбол фахрийлари хамон эсласалар керак. У ҳозирда тасвирлаш урф бўлгандай пишк-пухта, келишган гавдали, майдондаги ҳаракатлари ишончли бўлган ўзига хос ўйинчи эди. Шу билан бирга у ўйин пайтида жамоадолларини ҳеч қачон унутмас, агарда вазият шунинг тақозо этса ўз вақтида шерикларига аниқ тўп ошириши мумкин эди. Рақиблар учун у том маънода жумбоқ бўлиб, ўз вақтларда «Пахтакор» билан беллашган ҳар бир хамон олдига «Красницкий муаммоси» турарди. Умуман, ушбу ажойиб жамоа ўзига хос ўйин услуби билан ажралиб турар, ҳақиқий футбол усталаридан ташкил топан эди. Геннадий Красницкий эса ўша пайтлардаги футболнинг энг ёрқин ҳамда эсда қоларли вакилларидан бири бўлган эди.

Ҳа, Красницкийнинг ноёб иктидори ва бетакрор маҳорати, ажойиб голлари тўрисида узок сўзлаш мумкин. Бироқ гапни мухтасар қилган холда шунинг айтишимиз мумкинки, у «Пахтакор» таркибиде 13 мавсум давомида тўп сурди — Москванинг кучли жамоалари ва «Динамо» (Киев) кўп марта уни ўз сафларига қорлаган бўлса-да, Красницкий бир умр ўзининг қадрдон жамоасига содиқ қолди. «Пахтакор» сафиде чемпионат, кубок ва халқаро ўйинларда 400 та яқин учрашувда катнашиб, 200 дан ортқ тўп киритди. У содиқ Иттифоқ чемпионати олий лигасида 101 та гол киритган холда ва халқаро учрашувларда 37 тўп урган холда ҳар икки соҳа бўйича «Пахтакор»нинг энг кучли тўпурари ҳисобланади. Эътиборга лойиқ томони шундаки, у «Пахтакор» таркибиде мамлакат чемпионатларида биринчи ўйинини 1958 йилнинг 13 апрелида, охириги ўйинини эса 1970 йилнинг 12 апрелида ўтказган холда биринчи ўйиндаёқ дастлабки голни киритган бўлса, охириги ўйинда ўзининг сўнги тўлини киритди.

Ҳақиқатан Геннадий Красницкий барча футбол мутахассислари ва журналистлар ўртасида ўтказилган танловга кўра Ўзбекистонда XX асрнинг энг кучли футболчиси деб тан олинди. Ўзбек футболнинг ёрқин юлдузи, XX асрдаги энг яхши ўйинчи Геннадий Красницкий ҳаёт бўлганида 27 августда кутлуг 60 ёшга тўларди. Шу муносабат билан Ўзбекистон футбол федерацияси, Ўзбекистон футбол федерациясининг фахрийлар Кенгаши, Ўзбекистонда футболни ривожлантириш жағмафаси томонидан бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

БҮГҮН

эрталаб Г. Красницкийнинг Боткин қабристонидеги қабрига кенг жамоатчилик, ўсмирлар Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари томонидан гулдасталар қўйилди. Сўнгра «Жар» спорт марказида Красницкий таваллудининг 60 йиллигига бағишланган тантанали тадбир ўтказилди. Унда футбол жамоатчилиги, мутахассислари, фахрийлари, олий лига жамоаларининг барча бош мураббийлари, қариндошлари иштирок этди. Тадбирда Красницкий билан бирга тўп сурган футболчилар ўз хотиралари билан ўртоқлашди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

СУРАТДА: ўзбек футболнинг XX асрдаги энг кучли ўйинчиси Геннадий Красницкий.

• 26 август — шанба (Ойнинг 25/26 кунин). Мураккаб кун. Унинг энергетик таъсири зиддиятли. Шунинг учун ҳам асоссиз жанжал-низолар келиб чиқиши мумкин. Яхшиси — фаолликка берилмай, холироқ бўлишга ва дам олишга ҳаракат қилинг. Қўлни банд қиладиган майда ишлар билан шуғулланиб, толиқмасдан кунни эркин ўтказинг. Мулоқотлардан узокроқ бўлганингиз маъқул. Шамоллаш хасталиклари зўрайиши эҳтимоли бор.

Богбонларга бирон-бири янги ишни бошлаш тавсия этилмайди.

• 27 август — якшанба (Ойнинг 26/27 кунин). Ой сайёрасининг бугунги

рак. Янги ой кириши билан баробар янги ишларни ҳам бошлаб юборишингиз мумкин. Улар муваффақиятли бўлади. Барча ишларда хотиржамлик ва интизомга риоя қилинг, ўзингизни беҳуда уринтирмай, куч-ғайратингизни тежаб-тергаб сарфланг.

Ошқозон-ичак йўли билан боғлиқ барча муолажалар ва жарроҳлик операциялари тавсия этилади.

Тушларингиз башоратли бўлиб, уларни яхшилаб эслаб қолиб, тахлил қилиб чиқишга интилинг.

• 30 август — чоршанба (Ойнинг 1/2 кунин).

Ой сайёрасининг бугунги таъсири одамларда оқузлиқка мойилликни намоён

ДАМ ОЛИШ ОҚШОМИДА
• Мароқли саргузашт
• Ноёб иктидор, бетакрор маҳорат
• Тўғри талаффуз хосияти

Товушлар, сирли товушлар. Уларнинг ёқимлилиги инсон руҳига таъсир этиб кайфиятни кўтарса, ноҳуш товушлар кайфиятни бузиши табиий. Унли товушларнинг инсон саломатлигини аниқлашда, айниқса, айрим онкологик касалликларни, чунончи, томоқ раки касаллигини бемор овозини анализ қилувчи махсус электрон аппарат ёрдамида ташхис қўйиши Японияда онкология миллий маркази олимлари дунёда тиббиёт тарихида илк бор иxtиро қилишга муваффақ бўлишди.

Биласизми?
РАККА ТОВУШ ОРҚАЛИ ТАШХИС

Олимлар томоқ раки билан касалланган беморнинг овози соғлом одам овозидан тубдан фарқ қилишини махсус электрон аппарат ёрдамида аниқлашди. Албатта, овоздаги озгина ўзгариш бемор ҳам, врач ҳам сеза оладиган даражада эмас, бироқ электрон аппарат шу ўзгаришни ҳам дарҳол сезади ва ажратиб беради.

Шуни айтиш керакки, илгарилари Япония олимлари томоқ ракини аниқлаш учун жонли тўқималардан намуна олиб, томоқ


раки бор-йўқлигини аниқ айтиб бериши мумкин. Япон олимлари яқин келажакда беморни кўрмай туриб, унинг магнитофон лентасига ёзиб олинган овози орқали хам ташхис-диагност қўйиш мумкин, деган хулосага келишмоқда.

Ҳа, унли товушларда ҳикмат кўп, уларни тўғри талаффуз қилишни асло унутманг!

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ тайёрлади.

Бошқотирма

Азиз муштарий! Изоҳлари асосида топиладиган қуйидаги сўзларни шаклга «ванжир» ва кесилган холда ёзилади. 1. Азиз неъматни ишлаб чиқариш мусоламаси. 2. Маълум бир мамлакатда яшовчи халқ. 3. Ёшлар газетаси. 4. Тиниш белги. 5. От наслларидан бири. 6. Пилладан олинадиган тўқимачилик ашёси. 7. Марказий Осиёнинг энг жанубидаги шаҳар. 8. Насрий асар ижодкори. 9. Тирик мавжудотлар ҳаётини ўрганувчи мутахассис. 10. «Алишер Навоий» драмаси қаҳрамони. 11. АҚШ шимолдаги штат. 12. Мураккаб гулдошларга мансуб, баъзи тури шифобахш гиёҳ. 13. Аёлларнинг икки чеккасидаги қокли. 14. Нарсалар орасидаги тафовут. 15. Чингиз Айтматов романи. 16. Нутқ қаратилган шахсини билдирувчи сўз. 17. Сўз санъати. 18. Оврупадаги давлат пойтахти. 19. Ҳисоб илмидаги тўрт амалнинг бири. 20. Ақлдан спорт ўйинининг қадимий номи. 21. Ижозат этилган маъносини аниқлашчи атам. 22. «Фаргона келини» романи муаллифи, араб адаби. 23. Табобат ва техникада ишлатиладиган аминиякнинг сувдаги эритмасидан иборат спирт. 24. Нам ўтказмай диган тўшма, бинокорлик ашёси. 25. Сомоли давлати пойтахти. 26. Заминдаги энг биринчи инсон. 27. Харбий ёки фуқаролик бурчини намунали бажарганлик учун бериладиган турли даража ва нишон. 28. Заминдаги шаҳар, маъмурий марказ. 29. Миллоддан аввалги 384-322 йилларда яшаб ўтган қадимги юнон файласуф олимнинг шарқдаги номи. Муаммоннома Шакл айланаларидаги рақамларни бошқотирма жавобларидаги биринчи ҳарфлар билан алмаштириб муаммонномани ҳал этинг. Уларни қаторлар бўйича ўқиш билан ҳикматли сўзларни билиб олишга муваффақ бўласиз. Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.



Газетанинг 18 август сониде чиққан бошқотирманинг жавоблари:
Ёй бўйича ўнга: 1. Атир. 2. Саҳна. 3. Амал. 4. «Баҳор». 5. Инжу. 6. Атлас. 7. Барг. 8. Экран. 9. Драп. 10. Палак.
Ёй бўйича чапга: 1. Абай. 2. Сифат. 3. Араб. 4. Барно. 5. Ипена. 6. Аждод. 7. Боту. 8. Эртақ. 9. Дока. 10. Панах.
«Ванжир» ҳолида: 11. Кулол. 12. Лапар. 13. «Роҳат». 14. Тенор. 15. Рубоё. 16. «Баҳористон». 17. Нохун. 18. Нотик. 19. Қўшиқ. 20. Қўбиз. 21. Зирак.
Муаммоннома
Очқич сўзлар: 1. Ҳаёт. 2. Ҳазал. 3. Фарзин. 4. Гулшан.
Ҳадиси шариф: Шарм ва ҳаё фазилатларининг улуги.

Шаббадан шаббагача: мунажжам тавсиялари
ҲАФТАНИНГ
ХАЙРЛИ КЕЛДИН

таъсири тўйгулар билан боғлиқ бўлиб, турли дурдона билимларни эгаллаш учун қулай. Шу кунни сиз сира қутилмаган ҳолатда гоат чигал муаммонингиз ечимини топарсиз. Бугун майда-чўйдаларга уралашиб, муҳим нарсалар ҳақида ўйлаганингиз маъқул. Кундалик ишларингизни йиғиштириб қўйиб, дам олинг. Диктатингизни жамлаб, бирон нарса устида, айниқса, сув устида мушоада юртиш яхши натижа беради.

Саломатлик учун бу кун анча қулай. Ошқозон ичак йўллари даволаш, кучли таъсир этувчи дориларни қабул қилиш, шифобахш гиёҳлар билан муолажалар фойдали бўлади. Хар қанча ёрқин ва ҳақиқатга яқин бўлса-да, тушларга ишониб керакмас. Улар пуч бўлади.

• 28 август — душанба (Ойнинг 27/28 кунин). Ой сайёрасининг бу кунги таъсири одамларга ижобий бўлади. Ажойиб ва дурдона билимларни эгаллашингиз мумкин. Шу кунни узок вақтдан бери сизни қийнаб келадиган муаммонингиз ечимини тўсатдан топиб оласиз. Шошқалоқликка йўл қўймай, яхшиси — муҳим нарсалар ҳақида ўйлаб, қалбингизнинг тубига назар ташлашга хам уриниб кўринг. Диктатингиз жамлаб ҳар қандай мушоадаларга берилиш фойдали бўлади.

Ошқозон-ичак йўллари даволаш, кучли таъсир этувчи дориларни ичиш, гиёҳлардан фойдаланиш яхши самара беради. Кеча парҳезга риоя қилган бўлсангиз, бугун ўзингизга дам бериб, кўнглингиз тўсатган нарсани тановул қилишингиз мумкин.

• 29 август — сешанба (Ойнинг 28/29 кунин). Шу кунни ой бошида қўл урган хамма ишларингизни тўғатиб, бир ойлик фаолиятингизга яқун ясашингиз кел-

